











Семинар

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ



Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун семинар ташкил этилди.

Унда сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди. Семинардан кўзланган асосий мақсад — маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялари фаолиятини самарал...

Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида келтирилган ҳудудий ижро органи Кенгашлар фаолиятига оид долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Хусусан, намунали Кенгашлар тажибасини кенг татбиқ қилиш зарурлиги таъкидланди.

Айни чоғда Кенгаш сўрови ва текшируви сингари янги механизмлари жорий этиш орқали ҳудудий ижро органи фаолияти устидан назоратни кучайтиришга эришиш мумкинлиги айтилди. Қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашларни кенг жалб қилиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини ўрганиш ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам мумкин аҳамиятга эга.

Семинарда Сенат томонидан тайёрланган услубий кўлланма тақдими бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Самарали натижа, сайловчи ишончи — устувор мақсад

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иш жараёни қизгин тус олган. Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида"ги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси эса аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масалалари кўмитаси муҳофазасини кучайтиришга оид қонун лойиҳаларини соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида муҳокамадан ўтказмоқда. Асосий эътибор қонун кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисида ушбу қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш борасида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсияларга қаратилган.



Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларидаги нутқларидан келиб чиқиб амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олишмоқда. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши Ижроия кўмитасининг қўшма йиғилишида тадбиркорликка янада кенг йўл очиб, бу борадаги ислохотларда фаол бўлиб, янги ташаббусларни ишлаб чиқиш лозимлигига ургу берилди.

ЎзЛиДеП фракцияси ҳукумат идоралари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаши бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олгани айтиб ўтилди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, экспорт ҳажминини ошириш, аграр соҳани тараққий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизда "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузалари асосида ишлаб чиқилган партия "Йўл харитаси"ни жойларда тўлиқ ижросини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Нуриддин СУЛТОНОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

"Президентимиз ЎзЛиДеПнинг хусусий мулк дахлсизлигини кучайтиришга оид таклифини қўллаб-қувватлагани мумкин бўлган қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондориндан иборатдир. Муҳокама давомида олим ва мутахассислар фикрлари эшитилди. Яқинда аҳолини уй-жой билан таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, мутасадди вазирлик ва идораларга тақдим этиш ҳақидаги қарорга келинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда унинг фракцияси қўшма йиғилишида давлат раҳбари нутқларидан келиб чиқиб, партия тизимида ишлар бутунлай қайта ташкил қилиниши белгиланди. Ҳудудий Кенгашлар, барча даражадаги депутатлар фаолияти энди партия ва давлат дастурларида белги-ланган вазифалар ижроси, шу билан бирга, сайловчилари ишончини қай даражада оқлаётганидан келиб чиқиб баҳо берилди.

Энди фақат самарали натижа учун ишлаш, партия талабларига жавоб бермайдиган, сайловчилари ишончини оқламаган, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаган ҳудудий кенгаш

Назира МУХТОРОВА, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

"Депутатлар масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш, қонунчиликдаги бўшлиқлар, жойларда янги Ўзбекистон ислохотлари натижаларини таъминлаш, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига жиддий эътибор қаратади".

масъулари, депутатлар бўйича ҳулосалар чиқарилиши қайд этилди. Бу борадаги ишлар ҳар ойда мониторинг қилиб борилиши айтиб ўтилди.

Партия Марказий кенгашида фракция аъзолари ва раис Уринбосарларидан иборат "бешлик" ташкил этилиши маълум қилинди. Депутатларнинг фикри, ушбу гуруҳ ҳар ойда бир ҳудудда бўлиб, айнан партия ва депутатлар томонидан амалга оширилган ишлар билан танишади, уларни таҳлил қилади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда партия Марказий кенгаши Ижроия кўмитасининг қўшма йиғи-

Ойбек РАҲИМОВ, Экологик партия фракцияси аъзоси: "Келгуси йилда экология йўналишида олиб бориладиган ишлар, атроф-муҳит муҳофазасига оид қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва дастурлар мамлакатимиз экологик барқарорлигини таъминлаш йўлида, шубҳасиз, катта самара беради".

лишида экологик масалалар, уларни ҳал этиш бўйича олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтилди.

2025 йилни юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт" йили деб эълон қилиниши экологлар, атроф-муҳитга бефарқ бўлмаганлар учун катта имконият экани, буни чуқур ҳис қилган ҳолда партия фракцияси бу борада локомтив бўлиши кераклиги қайд этилди.

Фракция, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия гуруҳлари ўртасида ҳамжихатликда иш олиб борилишини янада кучайтиришга ургу берилди. Юзага келмаган экологик масалалар бўйича таъсирчан муносабатни шакллантириш, жойларда жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик эшитувларини олиб бориш, экологик қондаловуллар ёки атроф-муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш бўйича депутатлик сўровларини юборган ҳолда мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Эшитув

АҲОЛИГА СУБСИДИЯ АСОСИДА АРЗОН УЙ-ЖОЙ АЖРАТИШ ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан "Юсалиш" умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда "Аҳолини субсидия асосида арзон уй-жой билан таъминлаш" мавзусида жамоатчилик эшитиши ташкил этилди.

Тадбирда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорги Кенгаши Қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Жамоатчилик эшитишида аҳолини субсидия асосида арзон уй-жой билан таъминлаш борасида амалга ошири-

рур қулайликлар яратиш, уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бунгун кунда долзарб вазифалардан саналади. Зеро, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлардан кўзланган пировард мақсад ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондориндан иборатдир.

Муҳокама давомида олим ва мутахассислар фикрлари эшитилди. Яқинда аҳолини уй-жой билан таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, мутасадди вазирлик ва идораларга тақдим этиш ҳақидаги қарорга келинди.

«Халқ сўзи».

Янги таҳрирдаги бош қомусимиз парламент учун янги даврни бошлаб берди

Конституцияда "Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат", деб белгиланиши ҳам улкан аҳамиятга эга. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинаркан, инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортди. Айни чоғда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқро ҳуқуқнинг белгиланган нормаларига ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши ва қафолатланиши муҳрланди.



Яна бир муҳим жиҳат шундаки, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатига оид устувор қоидалар такомиллаштирилди, инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини ҳеч қандай ҳолатда чеклаш мумкин эмаслиги мустаҳкамланди.

Инсон билан давлат органлари ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликлар барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланиши эса чинакамга катта воқеадир. Шунингдек, шахсни ҳисобга олиш, ушлаб туриш, унинг озодлигини чеклаш ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳуқуқлари қафолатлари янада кучайтирилди.

Мисол учун, Конституциянинг 27 ва 28-моддаларида ҳибсга ёки қамоққа олишга ҳамда қамоқда сақлашга фақат суд қарорига кўра йўл қўйилиши белгилаб қўйилди. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши зарур.

Шахсни ушлаб туриш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари изоҳланиши лозим.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойда-

набатида, янги таркибдаги Сенат салоҳияти янада ортишига ва сенаторларнинг масъулиятини кучайтишига олиб келди.

Маълумки, Сенат кўпроқ у ёки бу масалалар ечимига ҳудудий манфаатлар нуктаи назаридан ёндашади. Сайлов бу ёндашувларни янада такомиллаштириш ва уларнинг самардорлигини ошириш имконини берди. Гап шундаки, нафақат сайлов жараёнида, балки бундан кейин ҳам сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудларда аҳоли, тегишли соҳа ҳамда тармоқлар вакиллари билан фаол мулоқот олиб боради. Ана шу жараёнда ҳукумат, вазирлик ва идоралар даража-сида ҳал қилиниши тақозо этилади-ган масалаларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари суриш имкони яратилди.

Қайд этиш лозимки, ўтган йиллардан бошлаб Сенат ялпи мажлисларида жойлардаги муаммолар масалалар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни сенаторлар томонидан кўтарилган ҳар қандай муаммога халқ томонидан кўтарилган масала сифатида муносабатда бўлиш амалиёти йўлга қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳақида сўз бораркан, илк бор Олий Мажлис Сенатига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилгани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки бу жуда муҳим масала. Таҳрибамизда шундай долзарб масалалар юзага келдики, улар ечимини янги қонунларни ишлаб чиқиш ёки мавжудларини такомиллаштириш тақозо этарди. Аммо у пайтда сенаторлардан қонунчилик ташаббуси йўқ эди. Натижада янги қонунни ишлаб чиқиш учун Сенат тавсияси билан у ёки бу ташаббус ҳуқуқига эга субъектга мурожаат этилар ва бу кўп вақтни талаб қиларди. Янги таркибдаги сенаторларимиз бу муаммодан қутулди.

«Халқ сўзи».

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда мустаҳкам асос

Конституциямизнинг 68-моддасида эса ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатилган. Мазкур конституциявий норма билан экологик фаолиятнинг қуйидаги асосий принциплари ифодаланган:

Биринчидан, табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланади, яъни юридик маънода, янги халқ мулкни ташкил этади ҳамда улар номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади. Иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Экология ҳуқуқида "оқилона" деганда, табиий ресурслардан экологик норматив ва стандартларга қатъий риоя этган ҳолда фойдаланиш тушунилади.

Учинчидан, табиат объектлари ва ресурслари давлат томонидан қўриқланади. Бу давлат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиниши таъминлашнинг ҳамда жомисонини ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, экологик ҳуқуқ-тартибга риоя этилишини қафолатлашини англатади.

Бош қомусимизнинг 115-моддасида Ҳукумат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлари ва биологик хилмаҳилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув ва ижтимоий қафолатларнинг ишончи пойдеворидир. Шу билан бирга, фуқароларимизнинг қулай атроф-муҳитга бўлган экологик ҳуқуқларини таъминлашда мустаҳкам қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси.

Footer section containing contact information for 'Xalq S'uzi' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.